



ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ

Д.Т.Куллиев

Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий мактаби тингловчиси

Аннотация. Ушбу мақолада коррупция ва уни қўзғатувчи омиллар, коррупцияга қарши кураш усуллари, таълим соҳасида коррупцияни олдини олиш ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: коррупция, давлат, жамият, ислоҳот, манфаат, жиноят, жавобгарлик, таълим.

СУТЬ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ КОРРУПЦИИ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация. В данной статье рассматривается коррупция и факторы, ее вызывающие, способы борьбы с коррупцией, предупреждение коррупции в сфере образования.

Ключевые слова: коррупция, государство, общество, реформа, польза, преступление, обязанность, образование.

THE ESSENCE OF PREVENTING CORRUPTION IN THE FIELD OF EDUCATION

Annotation. In this state, corruption and the factors that cause it, ways to combat corruption, and prevent corruption in the field of education are considered.

Key words: corruption, state, society, reform, benefit, crime, duty, education.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдига демократик-хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ушбу мақсад йўлида мана 31 йил бўлдики барча соҳаларда салмоқли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада барча соҳалардаги ислоҳотларни одил мезонини белгилаб олишда коррупцияга қарши курашнинг аҳамияти беқиёс ҳисобланадаи. Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги маърузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳукуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги





қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”¹.

Хозирда, коррупцияга қарши кураш халқаро миқёсдаги каби республикамизда ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Коррупцияга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этишда кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш лозим бўлади.

Маълумки, коррупция ўзига таъмагирликни қамраб олган ҳолда жамиятнинг маънавий устунлари ҳамда демократияни емириб, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий тараққий этиши учун улкан хавф туғдиради.

Умуман олганда “коррупция” - лотинча “corruptio”, яъни “бузиш, сотиб олиш, пора эвазига оғдириш” деган маъноларни англатади. Коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш демакдир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул килинган.

Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги марузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”, деб таъкидлаган эди.

Тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяётган Ўзбекистон учун коррупциянинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши ислоҳотлар шиддатини сусайтириши билан хавфли. Шу боисдан ҳам давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз ваколатига киришиши билан Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи ҳужжат “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлди. Ушбу қонун меъёрларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида Президентнинг 2017 йил 2 февралдаги қарори билан “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури” қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган маъruzasi. // <http://president.uz>.



қилинди. Дастур доирасида бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди, мавжудлари инвентаризациядан ўтказилди.

Умуман олганда, сўнгги йилларда қилинган ишлар таҳлили аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилганини кўрсатиб турибди. Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди¹.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини, ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этишидир.

Қонуннинг 5-моддасида эса коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар: аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чоратадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатdir.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг 7-моддаси. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари деб номланади ва унга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қўйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти; Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Шу билан бир қаторда таълимнинг барча жабҳаларида коррупцияга қарши кураш бўйича мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2020 йил 18 январь куни Бош прокуратурада ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг кенгайтирилган

¹ Коррупцияга қарши курашиш – барчамизни бурчимиз. <http://www.adolatgzt.uz/society/huquq/5522>



йиғилиши олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш аҳволи ва қонунийликни таъминлашга доир масалаларга бағишенланган.

Олий таълим тизимида асосан, талабалик сафига қабул қилиш, ўқиш жараёнида топшириладиган турли синовлар, талабаларнинг битирув малакавий иши ёки магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, магистратурага қабул, шунингдек, талабаларнинг ўқиш жойини кўчириш, ўқиш йўналишини ўзгартириш ҳамда ўқишига қайта тиклашда коррупция ҳолатлари кузатилаётганлиги аниқланмоқда¹.

Сўнгги йилларда тизимдаги **326** нафар ходим таълим жараёни билан боғлиқ жиноятлари учун жавобгарликка тортилганлиги, уларнинг **220** нафари коллеж ва лицейларга, **106** нафари олий ўқув юртларига тўғри келиши таъкидланган.

Институт ва университетларнинг жиноят содир этган ходимларидан **3** нафарини **ректорлар**, **5** нафарини **проректорлар**, **15** нафарини **декан** ва декан **ўринбосарлари**, **62** нафарини **ўқитувчилар** ташкил этади. Коллеж ва лицейларда эса, **34** нафар **директор**, **31** нафар директор **ўринбосари**, **94** нафар **ўқитувчи** жиноятга қўл урган. Соҳада коррупциянинг олдини олиш ва унга чек қўйиш борасидаги чоралар етарли самара бермаётганлигини кенг жамоатчилик фикри тасдиқламоқда¹.

2018 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик Маркази ўтказган сўровда иштирок этганларнинг **29** фоизи олий таълим тизимида коррупция кенг тарқалган деган фикрни билдирган бўлса, 2019 йилда бу салбий кўрсаткич **35** фоизни ташкил этган.

Жумладан, **ўқишига киритиш важи билан 115 нафар**, жумладан, **58** нафар олий ва **57** нафар ўрта маҳсус таълим ходимлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Бугунги кунда олий ўқув юртларининг **таълим тилидаги замонавий дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш** зарурлигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар, олий таълим муассасаларида ўқув режаларидаги фанларнинг **24** фоизи бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Олий таълим муассасаларида ахборот ресурс марказлари, айниқса, кутубхоналардан фойдаланишда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам рўй-рост кўрсатилиб борилмоқда, **ахборот — коммуникация** технологияларини таълим жараёнларига кенг жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Умуман олганда олий таълим соҳасини “**коррупциясиз соҳа**”га айлантириш, қонун бузилиши ва камчиликларни бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш барчамизни вазифамиз ҳисобланади.

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/olij-talimda-korruptsiya-qaj-darazhada>

¹ <https://xs.uz/uzkr/post/olij-talimda-korruptsiya-qaj-darazhada>



Таълим соҳасидаги коррупцион жараёнларга қарши курашиш борасида умумий жипслashiшимиз даркор. Токи, оила, боғча, мактабда ўғил-қизларимиз онгига таъмагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамият таназзули эканлиги ҳақида кўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормас эканмиз, мақсадга эриша олишимиз қийин кечади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, мутахассисларни жалб қилиб, жамиятимизнинг барча аъзолари «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган маърузаси.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги 419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тӯғрисида”ги Қонуни.
3. Бурханов А., Хайдаров Т., Қодиров З., Маманов С. Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимини жорий этиш. Кўлланма. Т. 2021. – 65 б.
4. Б.И.Истроилов, Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. Тошкент: “Tafakkur” нашриёти, 2019. – 168 б.
5. Кампос Э., Прадхан С. Аннотация к книге “Многоликая коррупция. Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управ”. Альпина Паблишер, 2014 г. с. 101.
6. Умаров У.А. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш: фуқаролик жамияти тараққиётини кафолатлади. Ўқув қўлланма. Т. 2018. – 80 б.